

ГЕНДЕР ҚОНУНЧИЛИГИ–ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХУҚУҚИЙ ОМИЛИ

Сеитова Зухрахон ¹

¹ соқ.ф.д.(DSc) Ажсиниёз номидаги НДПИ
Қорақолпакистон Республикаси

ИНФОРМАЦИЯ О СТАТЬЕ

АННОТАЦИЯ:

ИСТОРИЯ СТАТЬИ:

Received:29.03.2025

Revised: 30.03.2025

Accepted:31.03.2025

КАЛИТ СЎЗЛАР:

гендер, гендер
нотенглик,
имкониятлар
чегараси, аёллар
эркинлиги, гендер
қонунчилиги,
тажрибалар
алмашинуви, гендер
тенглиги
механизмлари,
замонавий
жамиятдаларда
гендер нормалари,
таълимда эркинлик,
касб танлаш
имкониятлари.

Мақолада ҳар бир демократик давлатнинг ривожланишида муҳим рол ўйнайдиган гендер тенглиги, аёл ва эркеклар тенглигини таъминлаш бўйича миллий ва хорижий тажрибаларнинг таҳлил берилган бўлиб, бунда асосий урғу ушбу жиҳатнинг ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ракурсида тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилган.

КИРИШ. Дунёдаги барча мамлакатлар бир қатор муҳим ислохотларнинг амалга ошириш борасида бирлашадилар ва ривожланадилар. Булардан бири ва асосийси–инсонларнинг энг асосий ҳуқуқларидан бири бўлган гендер тенглиги ҳисобланади. Унинг шаклланиши ва ҳуқуқий мақом олиши турли йилларда кечган бўлса ҳам, унинг

асосий фундаментини аниқлаб олиш лозим бўлади. Гендер тенглигининг ҳуқуқий ривож ва шаклланиш нинг биринчи босқичи 1948 йилда БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида эркак ва аёлларнинг тенглиги алоҳида эътироф этилиши билан боғлиқдир²¹.

Хусусан, ушбу ҳужжатнинг 1-моддасида “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак”, дея таъриф берилган.

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши гендер сиёсатининг давлат бошқарувининг муҳим ва асосий йўналишини сифатидаги тенденцияни бошлаб берган демек муболаға бўлмайди. Дунёда гендер тенглигини таъминлашнинг бир қатор ҳуқуқий асослари қабул қилина бошлаши ўз навбатида ушбу тушунчани имкониятлари даражасини кенгайтиришга хизмат қила бошлади. Бу борада Ўзбекистон ҳам ўз ўрнига ва миллий мақомига эга десак бўлади. Масалан, ушбу халқаро ҳужжатларни ратификация қилган мустақил давлатимиз халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган талабларидан келиб чиқиб ўз миллий қонунчилигида аёллар ва эркаклар тенглиги масаласига жиддий аҳамият бермоқда. Янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида “Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар”, деб белгилаб берилиши бу жараённинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Бу ўринда яқдиллик билан айтиш мумкинки, гендер тенглигининг ҳам халқаро ҳуқуқий, ҳам конституциявий ҳуқуқий асоси қафолатланган ҳисобланади. Лекин бў ўринда жиддий савол туғилади. Асосий қомнусимиз бўлган Конституцияда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқчилиги мустаҳкамлаб қўйилган бўлса, яна алоҳида қонун қабул қилишга эҳтиёж нега туғилди? Бунинг бир қача ижтимоий сабаблари бор эди:

Аввало, Конституцияда жуда кўплаб ҳуқуқлар тилга олинган, лекин уларнинг деярли барчаси ҳақида қонунлар борлиги билан изоҳаланади;

Иккинчидан, бош қонунларимизнинг асосий бўлмиш Конституция бош қомус сифатида ҳуқуқларни жамлайди ва қафолатлага хизмат қиладию декин шу билан бирга, уларни амалга ошириш тизими ва ҳимоялаш механизмлари жорий қонунларда

²¹ Гапова Е. Классовый вопрос постсоветского феминизма или об отвлечении угнетенных от революционной борьбы // Гендерные исследования. — 2006. — № 15. — С. 144—164.

батафсил баён этилиши билан ажралиб туради. Шу маънода гендер тенглик тўғрисидаги ҳуқуқий асослар ҳар бир жамиятда жинслараро тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш, бу борадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Жамиятларда бу соҳа қандай тартибга солинганлиги муҳим ҳисобланади. Унинг қайси жиҳатларини асосида жинс бўйича камситиш амалга оширилади. Мисол учун, аёлларни армияга чақирмаслик уларнинг ҳуқуқларини камситишми? Фарзандни дунёга келтириш учун таътил берилмаса, эркакнинг ҳуқуқи камситилган бўладими? Шу билан бирга, қайси ҳолларда аёлларга имтиёз берилиши керак, қайси ҳолатда эркаклар берилиши лозим бўлади. Бунинг учун барча вазиятлар қонунда ифода этилиши керак. Аммо уларнинг бари доимий равишда тузатишларга ва ўзгартиришга мойил бўлади. Хусусан, оилавий-ҳуқуқий муносабатларда гендер тенглиги муносабатларни тартибга солиш учун гендер тенглик тўғрисидаги қонунга эҳтиёж сезилди. Шунинг учун, ҳар бир мамалкатда бўлгани қатори Ўзбекистонда ҳам 2019 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуни мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган яхлит ва асосий қонун ҳужжати сифатида майдонга чиқди.

Ахборотлар соат сайин ўзгараётган даврда жамият ҳам тараққий этар экан, инсонлар ҳам замон билан ҳамнафас бўлишга муҳим омил ҳисобланади. Бу барча ҳуқуқларни таъминлаш билан бирга, бу аёллар ҳуқуқларига ҳам тегишлидир.

Замонавий жамиятлар ва давлат орасида гендер сиёсатининг долзарб масалалари сирасига қуйидагилар киради:

Биринчидан, жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан муносабатларида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг иштирок этишларини қўллаб-қувватлаш, қарор қабул қилишда уларнинг етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни яратиш; иккинчидан, сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш; учинчидан, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларига хотин-қизлар ва эркакларни тенг асосда жалб қилиш ва хотин-қизларни тайинладиган раҳбарлик лавозимларига тавсия қилишга оид фаолиятини рағбатлантириш; тўртинчидан, сиёсий лидер аёлларни тайёрлаш тизимини шакллантириш; бешинчидан, давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш; олтинчидан,

давлат органларининг раҳбарлик лавозимларига танловлар асосида тайинлаш механизмларини жорий қилиш орқали хотин-қизларнинг раҳбарлик лавозимларидаги улушини босқичма-босқич ошириб бориш, амалдаги 27% ни 50% гача кўтариш; еттинчидан, жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда ва долзарб аҳамиятга эга бўлган қарорларни қабул қилиш ҳамда уларни амалга оширишда хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш; саккизинчидан, таълим, илм-фан ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашда узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, хотин-қизлар ва эркакларни бутун умр давомида ўқишга бўлган имкониятларини рағбатлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни олий таълим билан қамраб олинишини кенгайтириш; тўккизинчидан, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш; ўнинчидан, давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизларнинг иқтисодий ва молиявий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган тармоқ гендер стратегиялари ва ҳаракатлар дастурлари ишлаб чиқишини қўллаб-қувватлаш; ўн биринчидан, мамлакатда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, хотин-қизларнинг кредит олишга бўлган имкониятларини кенгайтириш; ўн иккинчидан, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш; ўн учинчидан, оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбиясида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш; ўн тўртинчидан, оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда барча оила аъзоларининг масъуллигини ошириш, бирор-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймаслик бўйича амалдаги механизмларни такомиллаштириш; ўн бешинчидан, эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта туғруқ, оилавий ажримларнинг юзага келиш сабаблари ҳамда шарт-шароитларини таҳлил қилиш, бу борада илмий, амалий ҳамда фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш; ўн олтинчидан, гендер жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва бюджетлаштириш; ўн еттинчидан, очиқ ва шаффоф бюджет сиёсатини амалга ошириш орқали хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги тенгсизликни камайтириш, хотин-қизлар ва эркакларга манзилли давлат хизматлари кўрсатиш, уларнинг сифати ва самарадорлигини ошириш; ўн саккизинчидан, хотин-қизлар ва эркакларга мўлжалланган ресурслар

хамда хизматларни тақсимлаш бўйича олдиндан аниқланган мақсадларга кўра давлат маблағларидан самаралироқ фойдаланишни рағбатлантириш²².

Кўриб турибмизки, ривожланишнинг энг ўткир муаммоларидан бири тенгликка эришиш, айниқса, жамиятда ҳам, оилада ҳам эркак ва аёлнинг гендер тенгчилигига эришиш энг оғир масалалардан биридир. Аммо реал ҳаётда, хотин-қизлар кўпинча ривожланиш жараёнидан четда қолади ва ҳатто унда иштирок этган тақдирда ҳам жуда катта қийинчиликлар ва ҳатто йўқотишлар (оилавий низолар, ажримлар) эвазига эришади.

Аввало ушбу сўзнинг ҳуқуқий эмас, асл ижтимоий мазмун-моҳиятини англаб олиш жамиятда катта аҳамият касб этади. Гендер – бу хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ҳамда фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим, илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳат. Ўзбекистонда сўнгги пайтлари “гендер тенглиги”, “оиладаги зўравонлик”, “химоя ордери” каби тушунчалар тез-тез қўлланила бошланди. Уларнинг бир-бирига ўхшаш жиҳати шундаки, мазкур тушунчалар, асосан, қийин ҳаётий вазиятга тушган, оилада зўравонликка учраган хотин-қизларга нисбатан қўлланилмоқда. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон “Гендер тенгсизлиги индекси рейтинги”да 57-ўринда турибди²³.

Қонунда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари сифатида қонунийлик, демократизм, жинси бўйича камситилишга йўл қўймаслик, очиқлик, шаффофлик белгилаб берилган.

Эндиликда бу йўналишда норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш муҳим бўлиб, бу доирада давлат дастурлари, миллий ҳаракатлар режалари ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш энг муҳим вазифалар ҳисобланади. Чунки ушбу ҳужжатларни яратиш, аниқ ижро механизмларини ишлаб чиқиш орқали хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар бўйича ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, жамият, давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирокини таъминлаш, масъулиятли оналик ва оталикни шакллантириш каби йўналишларда фаолият ташкил

²² Hawkesworth, Mary, and Lisa Disch. Feminist theory: Transforming the known world // The Oxford Handbook of Feminist Theory (англ.) / Hawkesworth, Mary (ed.). — Oxford University Press, 2016. — С.13

²³ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets>

этилади. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Қонун давлат бошқарувида аёлларнинг эркаклар билан тенг шароитда иштирок этишини, айниқса, раҳбарлик лавозимларида ҳам ишлаши мумкинлиги кафолатлайди. Шунингдек, қонунда ҳокимият вакиллик органларига сайловларда ҳам сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги таъминланиши белгилаб қўйилди. Жамиятда аёлларнинг камситилишига йўл қўядиган, асоссиз тенгсизлик натижасида ҳаётида қийинчиликлар келиб чиқаётган оилаларнинг ҳам борлиги ачинарли ҳол, албатта. Таъкидлаш жоизки, оилавий муносабатларда, айниқса, болалар тарбиясида она ҳам, ота ҳам бирдек масъулдир. Қонунда бу борада ҳам эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари аниқлаб берилган бўлиб, уларнинг тенг мажбуриятларга эга эканлиги ёзиб қўйилган. Бу борада аёллар ва эркаклар никоҳининг ихтиёрийлиги, мажбурий ва эрта никоҳларга йўл қўйилмаслиги, эр-хотинларнинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглиги кабилар шулар жумласидандир. Бола туғилиши муносабати билан ҳақ тўланадиган таътил олишда ота ҳам, она ҳам тенг ҳуқуққа эга. Болага қараш бўйича таътилнинг давомийлиги ота-онанинг ихтиёрига кўра улар ўртасида тақсимланиши, бунда ота-она таътилдан қисмларга бўлган ҳолда фойдаланишлари мумкинлиги ҳам айнан гендер тенгликнинг ифодасидир. Қонун таълим, илм-фан, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини ҳам акс эттирган. Таъкидлаш жоизки, ушбу соҳаларда мамлакатимизда аёллар фаол меҳнат фаолиятни олиб борадилар. Шу билан бирга, таълимнинг барча босқичларида, илмӣ-тадқиқот, тиббиёт соҳаларида меҳнат қилаётган аёллар кўпчиликлари ташкил этиши маълум. Эндиликда турли таълим дастурларига гендер мавзусини жорий этиш орқали фуқароларнинг гендер хабардорлигини оширишга кўмаклашиш, жинслардан бирининг устунлиги ғоясига асосланган нотўғри тасаввурлардан холи ўқув адабиётларини тайёрлаш ва чоп этиш, гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлаш масалалари бўйича аҳолининг ҳуқуқӣ маданиятини оширишга қаратилган ахборот-маърифий тадбирларни ташкил этиш каби фаолият йўналишларида кўплаб ишларни амалга ошириш зарур бўлади.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоӣ ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича ишлар бир неча йўналишларда олиб борилмоқда:

1. Аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;
2. Аёлларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш;
3. Аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш;
4. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъул мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий меъёрлар асосида ўқитиш.

Ўзбекистонда бир қатор қонун ҳужжатлари, жумладан, Президентнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақомини кучайтириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари қабул қилинган.

2018 йилда Ўзбекистон ҳукумати барқарор ривожланишнинг 16 та миллий мақсадлари ва 127 та миллий вазифаларини қабул қилган эди. Шу билан бирга, гендер тенглик бўйича 5-мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон жуда жиддий мажбуриятларни ўз зиммасига олган:

бутун мамлакатда хотин-қизлар камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш;

давлат ва хусусий секторда барча хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг ҳар қандай шакллари бартараф этиш;

жамият ҳаётининг барча даражаларида раҳбарлик лавозимларида хотин-қизларнинг тўлиқ ва самарали иштирокини таъминлаш;

давлат дастурларини қабул қилишда гендер тенглиги тамойилларига тўлиқ амал қилиш.

Гендер тенгликни таъминлашнинг қонунчилик ва институционал негизини мустаҳкамлаш йўлида қарийб 20 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан 2 та қонун, 4 та Президент Фармони, 1 та Президент қарори, 13 та Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Буларнинг бари демократик жамият қуришдаги асосий мақом – гендер тенгликни қонун йўли билан таъминлаш билан боғлиқдир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки бугунги кунда гендер тенглигини таъминлаш борасида республикамызда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ишларни янада такомиллаштириш учун бизнинг фикримизча қуйидагиларни бажариш керак: биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг гендер тенглиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларига баҳо бериш ва уларни янада такомиллаштириш бўйича истиқболларини аниқлаш; иккинчидан, гендер тенглиги, уларни ҳозирги замонавий шароитларда амалга оширишни ҳуқуқий қўллаб-

куватлашни моделларини таққослаш; учинчидан, амалиётда ҳақиқий гендер тенглигини таъминлаш бўйича мавжуд муаммоларнинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гапова Е. Классовый вопрос постсоветского феминизма или об отвлечении угнетенных от революционной борьбы // Гендерные исследования. — 2006. — № 15. — С. 144—164.
2. Hawkesworth, Mary, and Lisa Disch. Feminist theory: Transforming the known world // The Oxford Handbook of Feminist Theory (англ.) / Hawkesworth, Mary (ed.). — Oxford University Press, 2016. — С.13
3. <https://lex.uz/docs/4494849>
4. Кирилина А. В. Лингвистические гендерные исследования как проявление смены эпистемы в гуманитарном знании // Армия и общество. — 2010. — №. 4. — С. 110—114.